

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАВШАНОВ ШАВКАТ НЕЪМАТИЛЛАЕВИЧ

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ТУҒМА БРАХИМЕТАТАРЗИЯНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Равшанов Шавкат Неъматиллаевич

Болалар ва ўсмирларда туғма брахиметатарзияни ташхислаш ва
хирургик даволашни такомиллаштириш 3

Равшанов Шавкат Неъматиллаевич

Совершенствование диагностики и хирургического лечения
врожденных брахиметатарзий у детей и подростков 19

Ravshanov Shavkat Nematillaevich

Improvement of diagnostics and surgical treatment of congenital
brachymetatarsia in children and adolescent..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАВШАНОВ ШАВКАТ НЕЪМАТИЛЛАЕВИЧ

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ТУҒМА БРАХИМЕТАТАРЗИЯНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib95 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.niito.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салиев Муроджон Муҳаммадович
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ирисметов Мурод Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори

Назарова Нигора Зикриллаевна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қозоғистон Республикаси Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М.Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим.

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда оёқ панжаси туғма деформациялари ортопедик касалликларининг 12%ини ташкил қилади¹. Ортопедия соҳасида эришилган ютуқларга қарамадан оёқ панжаси патологиялари, шу жумладан туғма брахиметатарзиялари бўлган беморларни даволаш бугунги кунга қадар энг мураккаб клиник вазифалардан бири ҳисобланади, чунки даволаш натижаси катта миқдордаги асоратлар ва қониқарсиз натижалар билан бирга кечади (41% дан 70% гача), айрим ҳолларда эса даволашнинг иложи йўқ деб тан олинади². Жахонда туғма брахиметатарзия нуқсонларини даволашда distraction усулларнинг амалиётда қўлланилиши туфайли маълум ютуқларга эришилган, жумладан калталашган кичик найсимон суяклар узайтирилган. Шу билан бир қаторда, кўпинча туғма брахиметатарзияга етарлича эътибор қаратилмайди ва бундай ҳолат ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Брахиметатарзия турлари ва оёқ кафтининг йўлдош деформацияларига боғлиқ ҳолда жаррохлик даволаш усуллари етарлича ишлаб чиқилмаган, ёш кўрсаткичлари бўйича жаррохлик аралашувларга нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас, беморларнинг жаррохлик амалиётидан кейинги реабилитациясига кам эътибор қаратилган. Даволашнинг узоқ муддатда олинган натижалари бўйича кам сонли нашрлар жаррохлик амалиётидан кейин юзага чиқувчи асоратлар ва касалликнинг қайталаниш миқдорининг кўплигини кўрсатади. Бундай ҳолат муаммонинг бугунги кунда долзарблигича қолаётганидан далолат беради.

Республикамизда туғма брахиметатарзияларни даволашда Илизаров distraction мосламаси қўлланилиб келмоқда, эришилган тажрибалар асосида остеосинтез усуллари такомиллаштирилган, оёқ кафти суякларига мос келадиган миниаппаратлар ишлаб чиқилган ва даволашда айрим натижаларга эришилган. Бинобарин ишлаб чиқилган миниаппаратлар оёқ панжасининг яқка брахиметатарзияси ҳолатидагина яхши натижалар олишга имкон берган. Юртимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши сифатини яхшилаш юзасидан маълум тадбирлар амалга оширилмоқда, соғлиқни сақлаш тизими 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга»³ қаратилган муҳим вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасида брахиметатарзияни эрта аниқлаш, тўғри даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ World health statistics 2013, 168 p. www.who.int

² Шевцов В.И., Исмаилов Г.Р. Чрескостный остеосинтез в хирургии стопы.- М.: «Медицина», 2008.-360с.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ4947-сон Фармони “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 07.02.2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Анатомик ва функционал нуқсонлар бола психикасига салбий таъсир кўрсатади, ортопедик пойафзал кийиш заруратини келтириб чиқаради, ривожланиш, касб танлаш ва меҳнат фаолиятини чегаралайди ва ўз навбатида ижтимоий аҳамият касб этади (Jimenez AL, 2006). Айниқса, ўсмирлик ёшида ушбу нуқсоннинг бўлиши болаларга оғир таъсир кўрсатади (Unal V.S., 2005). Calis M. (2016) қайд этганидек, брахиметатарзия ҳам қўл панжаси ёки юзда кузатиладиган нуқсон каби эътибор талаб этади.

Хозирги вақтда оёқ кафти ҳолатини баҳолаш учун ортопедия ва травматология клиник амалиётида ушбу усуллардан аниқ ва объектив равишда фойдаланиш имконини берувчи такомиллаштирилган компьютер педобарометлари ишлатилмоқда. Адабиётларда оёқ панжаси турли қисмларида патологик ҳолатларни ва унга тушадиган тана юки таъсирини ўрганишга бағишланган маълумотлар кам (Luger E.J., 1999; Мицкевич В.А., 2006; Лашковский В.В., 2011; Мандриков В.Б., 2012).

Бу хасталиқнинг асосий даволаш усули жарроҳлик йўли билан амалга оширилади. Брахиметатарзияларни жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш муаммосига ортопедлар томонидан турли хилда ёндашилади. Бир томондан, суяк пластикаси усули афзал кўрилса (Alter S.A., 1995,1996; Chung M.S., 2006; Blankenhorn V.D., 2010; Askı B., 2014), иккинчи гуруҳ ортопедлари дистракцион аппаратлар билан узайтириш усуларини афзал кўришади (Шевцов В.И., 2008; Barbier D., 2015; Hosny G.A., 2016).

Туғма брахиметатарзияси бўлган беморларни даволашдаги ютуқлар амалиётга Г.А. Илизаров томонидан яратилган суяк-орқали остеосинтез усули кириб келиши билан кўпайди. Оёқ панжасининг олдинги қисми суяқларини узайтириш учун Илизаровнинг мини-аппаратлари, бундан ташқари В.И. Шевцов (2008), А. Kirienko (2004) томонидан ишлаб чиқарилган компановкалар қўлланилади. Бинобарин, ҳозирги вақтда қўлланилаётган услублар учун аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган, аппаратлар монтажи ва жарроҳлик амалиётидан сўнг даволашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар яхши ёритилмаган. Бундан ташқари, бундай беморларни даволашдан кейинги натижаларини объектив баҳолаш

тизимлари ишлаб чиқилмаган. Бундай сабаблар туфайли юқорида қайд этилган муаллифлар таклиф этган усулларни клиник амалиётда кенг қўллашга тўсқинлик қилмоқда. Чет эл адабиёти бўйича дистракцион остеосинтез учун Ortofix, RC-4, DFS Mini Lengthener, Umex каби унилатерал стерженли аппаратлар кўпроқ қўлланилади. Оёқ кафт суякларини стерженли аппарат ёрдамида дистракцион узайтиришга бағишланган илмий мақолаларнинг аксарияти клиник мисоллар тавсифига бағишланган (Benson J.Ch, 2007; Cespedes J.E., 2007; D'arrigo A., 2011; Alkar F., 2014).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда туғма брахиметатарзияни ташхислаш ва даволаш услуги ўзининг тўлиқ ечимини топмаган ва долзарб муаммолар қаторига киришидан далолат беради. Сўнгги пайтларда ишлаб чиқилган оёқ кафти брахиметатарзиясини жаррохлик даволаш тартиблари калталашган оёқ кафти суякларида оёқ панжасидаги ёндош деформацияларини ҳисобга олмаган ҳолда бажариладиган жаррохлик амалиётларни тавсия этади. Шундай қилиб, брахиметатарзияси бўлган болаларни даволаш муаммоси долзарблигича қолмоқда ва чуқур ўрганишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг тадқиқоти иши илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ НТП–11-сон «Тиббиётда касалликларни ташхислаш, даволаш, олдини олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш йўли билан аҳоли саломатлигини яхшилаш» ҳамда АТСС–7.1.-сон «Ортопедик касалликларни даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш ва янги усулларни ишлаб чиқиш (2012–2014)» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади туғма брахиметатарзияси бўлган болаларда диагностика ва жаррохлик усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларни яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туғма брахиметатарзияси бўлган беморларнинг клиник, рентгенологик ва функционал тавсифини баҳолаш;

туғма брахиметатарзиянинг ишчи таснифини ишлаб чиқиш;

жаррохлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган усуллари ва оёқ кафти суякларининг туғма калталигини узайтириш учун мослама ишлаб чиқиш, уларни қўллаш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни аниқлаш;

даволашнинг узоқ ва яқин натижаларини ўрганиш, ишлаб чиқилган даволаш усулидаги хато ва асоратлар таҳлилинини олиб бориш, уларни бартараф этиш ва оғоҳлантириш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг туғма скелет деформациялари бўлимида туғма брахиметатарзия билан даволанган 71 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети туғма брахиметатарзия бўйича жаррохлик амалиёти бажарилган болаларнинг клиник, рентгенологик, плантографик ва подометрик текшириш натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, рентгенологик, плантографик, подометрик каби тадқиқот усуллари қўлланилди ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

брахиметатарзиянинг барча анатомик вариантлари қамраб олинган ишчи таснифи ва унинг асосида сихли ва стерженли мосламаларни қўллашга, ёндош оёқ қафт суякларини коррекция қилиш ҳамда ёзувчи пайларни узайтиришга кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

брахиметатарзиянинг даволашгача ва даволашдан кейинги оёқ панжасида чизиқли ва бурчакли рентгенологик белгилар ҳамда иккиламчи ўзгаришлари аниқланиб, улар орасидаги ўзаро корреляцион муносабатнинг мавжудлиги исботланган;

брахиметатарзиянинг тури, сони, оёқ қафт суяги калталиги даражасига қараб стерженли ва сихли остеосинтез усули такомиллаштирилган ва унга остеотомияни ўтказишнинг турли локализациялари ва дистракция даражаси кўрсатмалари ишлаб чиқилган;

сихли ва стерженли остеосинтез аппаратларидан фойдаланиш билан бирга кечадиган жаррохлик амалиётларида оёқ қафт суякларининг суякланиш хусусиятлари таққослама ўрганилиб, дистракцион регенератнинг шаклланиши фиксация усулига боғлиқ эканлиги исбот қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Туғма брахиметатарзияда оёқ қафти чизиқли ва бурчакли рентгенологик белгиларни аниқлаш орқали оёқ панжаси ҳолатини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи мезонлар белгиланиши орқали оёқ панжаси олд қисмини жаррохлик реконструкция қилишни танлаш тартиби ишлаб чиқилган;

туғма брахиметатарзияси бўлган беморларда жаррохлик усулларини танлашга дифференциал ёндашиш имконини берувчи тасниф таклиф этилган;

туғма брахиметатарзияси бўлган беморларни даволашда сихли ва стерженли остеосинтез усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги клиник, рентгенологик, плантографик, компьютер-подометрик ва статистик текширув усулларининг қўлланилиши ва барча маълумотлар компьютер технологиялари ёрдамида рақамли ишлов берилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти туғма брахиметатарзияни даволаш учун мосламалар беморларни амалиётдан сўнг косметик ва функционал самарадорликни ошириш, меҳнат ва ижтимоий чекланишлар миқдорини камайтириш имконини берганлигида кўринади. Такомиллаштирилган

дистракцион аппаратлар (2) жарроҳлик услубни мўътадиллаштириш, стабил-функционал фиксация қилиш, регенерация учун қулай шароитларнинг яратилиши ва асоратларни камайтириш имконини берган. Ишлаб чиқилган усуллар барча ортопедик клиникаларда фойдаланиш учун қулай, техник жиҳатдан бажарилиши осон бўлиб, катта иқтисодий ҳаражатлар талаб қилмайди.

Туғма брахиметатарзияси бўлган беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган мосламаларни ва жарроҳлик усулни клиник амалиётга тадбиқ этиш косметик нуқсонларни камайтиришга, оёқ панжаси функционал фаолиятининг яхшиланишини таъминлашга ва даволаш муддатларини камайтиришга имкон берган, беморларга ихтисослаштирилган ортопедик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ошишига ёрдам берган. Тадқиқот натижалари бўйича яратилган 2та услубий қўлланма курсантларни ўқитиш дастурининг таркибини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар ва ўсмирларда туғма брахиметатарзияларнинг диагностикаси ва жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Оёқ кафт суяклари ва оёқ панжа суяқларини ўстириш учун ишлаб чиқилган мослама» (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2014 йил 30 апрелдаги FAP 00901 рақамли патенти) ёрдамида ишлаб чиқилган даволаш усуллари соғлиқни сақлаш амалиёти фаолиятига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йилнинг 13 декабридаги №8н-д/66 маълумотномаси), жумладан, Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Фарғона, Андижон ва Навоий вилоятларининг кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида қўлланилмоқда.

«Оёқ панжасининг кафт суяқларини узайтириш учун мослама» (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2014 йил 7 апрелдаги FAP 00900 рақамли патенти) ёрдамида ишлаб чиқилган даволаш усуллари соғлиқни сақлаш амалиёти фаолиятига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йилнинг 13 декабридаги №8н-д/66 маълумотномаси), жумладан, Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Фарғона, Андижон ва Навоий вилоятларининг кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, нашр этилган, 2

та услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 6 та жадвал, 71 та расмлардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туғма брахиметатарзияларни ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида туғма брахиметатарзия патогенези, этиологияси ва учраш частотаси ҳақидаги саволлар бўйича адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Брахиметатарзияни ташхислаш ҳамда оёқ панжаси олд қисми деформацияларининг турли клиник ва рентгенологик мезонлари билан таништирилган, ушбу нуқсонларни даволашнинг турли усуллари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Материал ва қўлланган текшириш усуллари**нинг **клиник тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар умумий характеристикаси берилган, шунингдек, беморларни текширишда фойдаланилган усуллар билан таништирилган. Тадқиқот жараёнида 2005 йилдан 2016 йилгача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида брахиметатарзия билан даволанган 11 ёшдан 28 ёшгача бўлган 71 нафар беморнинг (101 та оёқ кафти – 54/57) текшириш ва даволаш натижалари таҳлили олиб борилган. Улардан қиз болалар – 70 нафар, ўғил бола – 1 нафар. Архив материал 22 нафар беморни ташкил этди, қолган 49 нафар беморда проспектив текшириш олиб борилди.

Беморларда клиник, рентгенологик, плантографик, компьютерли подометрик ва статистик текшириш усулларида фойдаланилди. Клиник текширувларни ўтказишда AOFAS сўровномасидан фойдаланилди.


Диссертациянинг «**Туғма брахиметатарзияда оёқ панжасининг клиник, рентгенологик ва педобарометрик параметрларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида оёқ кафти брахиметатарзияси бўлган болаларни текшириш натижалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ишлаб чиқилган ишчи тасниф оёқ панжаси брахиметатарзиясининг турли вариантлари ҳамда унинг кафти суяклари ва бармоқлардаги йўлдош деформацияларини тизимлаштириш имконини берган (1-жадвал).

Беморлар дастлабки мурожаатларида бармоқлар атипик ҳолати ва калталиги, оёқ панжасининг косметик нуқсони, оёқ панжаси олд қисмида оғрик, ёпиқ пойафзал кийишга мажбурликдан шикоят қилишган.

Брахиметатарзиянинг таснифи

| Брахиметатарзиянинг таснифи | | Беморлар ёки оёқ кафтлари сони |
|--|---|--------------------------------|
| Этиологияси бўйича | Идиопатик | 70 бемор |
| | Туғма синдромлар таркибида | 1 бемор |
| | Орттирилган | 1 бемор |
| Локализацияси бўйича | Бир томонлама | 25 бемор |
| | Икки томонлама | 46 бемор |
| Оёқ кафти суяклари шикастларининг миқдори бўйича | Якка | 52 бемор |
| | Кўп миқдорда | 16 бемор |
| | Брахиметаподия | 3 бемор |
| Оғрик синдромига боғлиқ ҳолда | Метатарзалгиясиз | 39 бемор |
| | Метатарзалгия билан | 32 бемор |
| Кўл-кафт суяклари билан бириккан | | 6 бемор |
| Ёнма-ён сегмент патологиялари бирикмаган брахиметатарзия | Оёқ кафт суягининг алохида калталиги | 23 та оёқ кафти |
| | Оёқ кафт суяклари ва асосий фаланганинг калталиги | 86 та оёқ кафти |
| | Оёқ кафти суяклари калталиги, фаланганинг чиқиши | 6 та оёқ кафти |
| Ёнма-ён сегмент патологиялари бириккан брахиметатарзия | Hallux valgus турли даражаси билан бирикуви | 27 та оёқ кафти |
| | 5 та панжанинг варус деформацияси билан бирикуви | 6 та оёқ кафти |
| Калталиқнинг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда | Енгил даража: 10 мм гача калта | 5 та оёқ кафти |
| | Ўрта даража: 20 мм гача калта | 70 та оёқ кафти |
| | Оғир даража: 20 мм дан кўпроқ калта | 37 та оёқ кафти |


34 ҳолатда бармоқлар калталиги 7 ёки 8 ёшда билинишни бошлаган. Оёқ кафт суяги калталиги бўйича биринчи марта мурожаат қилганларнинг ўртача ёши $7,7 \pm 1,9$ ёш. 37 нафар беморнинг оёқ панжаси AOFAS шкаласи бўйича баҳоланди. AOFAS шкаласи бўйича жаррохлик амалиётига қадар оёқ панжаси беморларнинг 5 нафарида (13,5%) – яхши, 10 нафарида (27,0%) – қониқарли ва 22 нафарида (59,5%) – қониқарсиз дея баҳоланган. Жаррохлик амалиётига қадар ўртача балл $52,4 \pm 12,6$ (32 дан 83 баллгача)ни ташкил этган (1-расм).



1-расм. AOFAS шкаласи бўйича жаррохлик амалиётига қадар кўрсаткичлар, %

Шундай қилиб, туғма брахиметатарзия билан оёқ панжаси деформациялари мажмуи ва унинг асоратлари гиперпрессия синдроми билан боғлиқ бўлиб, юриш кинематикаси, статикаси ва динамикасини бузади. Рентгенологик ўзгаришлар таҳлили кўрсатдики, гипоплазияга учраган оёқ қафт суяклари ингичкалашган, суяк ўқидан оғган ва ротациялашган, суяк бошчаларида регионар остеопороз кўринади, шарсимон шаклга ва майда ҳалқали структурага эга, суяк бўйначасининг ўсиш зонасининг нотекис ёйсимон битишини кўрсатди. Шунингдек, оёқ панжаси олд қисмида ўсиш жараёнида зўрайиб борувчи иккиламчи деформациялар аниқланди. Оёқ панжаси олд қисмидаги ўзгаришларнинг оғирлик даражаси унинг калталиги ўлчами, калталашган қафт суяклари миқдори, hallux valgus ёки digitus quintus varus кўринишидаги асоратларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлган. Плантография ва компьютер подометриясида барча ҳолатларда оёқ қафт суяги калталиги остида «бўшлиқ» худуди мавжудлиги, айрим ҳолатларда ёндош оёқ қафт суяқларига ортиқча тана юкининг тақсимланиши аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Туғма брахиметатарзияси бўлган беморларни жаррохлик йўли билан даволашни такомиллаштириш**» деб номланган бўлиб, икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда нуқсоннинг ривожланиш турига боғлиқ ҳолда Илизаров аппаратида даволаш, жаррохлик аралашувларининг техник бажарилиши, шунингдек, амалиётдан кейинги даволаш чораларининг асосий тамойиллари баён этилган. Тадқиқот жараёнида болалар ва ўсмирларда туғма калта оёқ қафт суяқларини ўстирувчи «Оёқ қафт суяқлари ва оёқ панжа суяқларини ўстириш учун мослама» ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2014 йил 30 апрелдаги FAP 00901 рақамли патенти) (2-расм). Мосламанинг асосий хусусияти бирваракайига бир нечта оёқ қафт суяқларини ўстириш, горизонтал ва сагиттал юзаларда дистракцион регенерат йўналишини назорат қилиш, бармоқлар чиқишидан огоҳлантиришдан иборат.




2-расм. Илизаров аппаратида компановка қилиш усули

Жаррохлик амалиётининг кечиши: оёқ панжасига антисептиклар билан ишлов берилгандан кейин оёқ кафт суяги асосидан 3 см узунликда тери кесилади. 20 мм дан кўпроқ калталиқда бармоқнинг болғасимон деформациясини олдини олиш мақсадида IV бармоқни ёзувчи мушак пайи Z-симон узайтирилади. Оёқ кафт суяги очилади ва асосидан кўндаланг остеотомия қилинади. Дистал фрагмент орқали 3 таянч сих антеград ўтказилади, проксимал учи илгак кўринишида эгилади, дистал учи 1 ярим ҳалқага маҳкамланади. Қўшимча 4 сих оёқ кафт суяклари асосидан фронтал юзада перпендикуляр ўтказилади ва бир-бирига қарама-қарши – бири 16 кронштейн биринчи 10 планканинг пастида, бошқаси 15 кронштейн – иккинчи 9 планканинг тепасида жойлашган иккита тешикли 15, 16 кронштейнлар ёрдамида 9, 10 планкаларга маҳкамланади. 4 ва 14 сихлар қисқичлар билан 15, 16 кронштейнларга маҳкамланади. Иккита кесишувчи 4 сихлар товон суяги орқали ўтказилади ва 14 сих қисқичлар ёрдамида 9, 10 планкаларга маҳкамланади. Қўшимча иккита кесишувчи 4 сихлар болдир суяги дистал қисми орқали ўтказилади ва 14 сих қисқичлар ва 17 шайба ёрдамида 2 ярим ҳалқаларга маҳкамланади. 4 сихлар 17 шайба 18 тирқиш ўртасига жойлаштирилади. Ярага чоклар қўйилади.

Юқорида баён этилган мослама 34 беморда – 45 оёқ панжасида (25 ўнг томонда, 20 чап томонда) қўлланилди. 4 нафар беморда бир вақтнинг ўзида иккала оёқ панжасида жароҳлик амалиёти амалга оширилди. Ушбу усулдан кўплаб оёқ кафт суяклари калталиги бўлган барча беморларда (n=16) фойдаланилди.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида стерженли аппаратда оёқ кафт суякларини узайтириш усули баён этилган. Тадқиқот давомида беморнинг битта оёқ кафт суяги калталигини узайтиришни мўътадиллаштириш учун ташқи фиксация аппарати стерженли тизимидан фойдаланиш билан жаррохлик усулини ишлаб чиқишнинг ечими топилди. Аппаратнинг янгидан ишлаб чиқилиши учун қуйидаги талаблар қўйилди: у минимал ўлчамларга эга бўлиши, жаррохлик амалиётидан кейинги эрта босқичдан бошлаб оёқ панжасини босиб юриш имконини бериши, конструкцияни олиб ташлаш учун қўшимча жаррохлик амалиёти талаб этмаслиги, болдир-ошиқ бўғимида ҳаракатни чегараламаслиги керак. Шу мақсадда «Оёқ панжасининг кафт суякларини узайтириш учун мослама» ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2014 йил 7 апрелдаги FAP 00900 рақамли патенти) (3-расм). Минимал ўлчамларга эгаллиги, оёқ учларига функционал юкламалар бера олиш имкони, остеосинтез муддатларининг қисқариши аппаратнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Буларнинг барчаси беморларга кўпроқ фаол бўла олиш имконини беради.

Жаррохлик амалиётининг кечиши: Бемор чалқанчасига ётқизилади. Тери IV оёқ кафт суяги диафиз қисми ташқи юзасидан 4,0 см узунликда кесилади. Юза фасцияси кесилади ва IV бармоқ узун ва қисқа



3-расм. Оёқ кафт суякларини узайтириш учун стерженли аппарат

ёзувчи мушак пайлари мобилизация қилинади. 20 мм дан кўпроқ калталиқда пайда Z-симон кесилиб узайтирилади. Суяк пардаси узунасига кесилади, оёқ кафт суяги асоси ва диафиз қисмлари суяк пардасидан яланғочланади. Лисфранк бўғимлари аниқланади. Юпқа ўткир искана билан остеотомия тахмин қилинаётган суяк юзасига белги қўйилади. Электрпарма ($d = 2,8$ мм) ёрдамида оёқ кафт суяги асоси суяк ўзагига перпендикуляр ҳолда остеотомия ўрнидан 3 мм юқорироқдан пармаланиб тешилади. Проксимал стержен бураб киритилади. Шу йўсинда остеотомия ўрнидан дистал 3 мм наридан дистал стержен бураб киритилади. Кейин оёқ кафт суягини узайтирувчи мослама олдиндан мустаҳкамланади ҳамда фиксаторнинг дистракцион винти ҳажмидан ориентир олиб дистал стерженни киритиш учун тешикча очилади. Дистал стержен оёқ кафт-фаланга бўғимидан камида 1,0 см юқорида туриши керак. Жуда кам масофада Кришнер трансартикуляр сихи дистракцион босқичда пайлар кучланишига қарши тура олмайди ва натижада бармоқ чиқиши юзага келиши мумкин. Энг охирида проксимал стерженни ўтказиш учун проксимал канал тешилади. Барча стерженлар оёқ кафт суягига нисбатан тўғри бурчак остида ва сагиттал юзага нисбатан параллел киритилади. Киритилган проксимал ва дистал стерженлар орасидан оёқ кафт суяги асосида кўндаланг суяк парда остидан остеотомия ўтказилади. Бармоқ чиқиши ёки букувчи контрактура ривожланишини олдини олиш учун Кришнер сихи трансартикуляр ўтказилади. Ярага қаватма-қават чок қўйилади.

IV оёқ кафт суяги туғма калталиги бўлган 21 беморларнинг 28 (15 ўнг/13 чап) оёқ панжасида ушбу амалиёт ўтказилди. Беморларнинг икки нафарида бир вақтнинг ўзида иккала оёқ панжасида, қолганларида фақат битта оёқ панжасида жаррохлик амалиёти амалга оширилди.

Диссертациянинг «Туғма брахиметатарзияси бўлган беморларнинг жаррохлик даво натижаларини комплекс баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида брахиметатарзияси бўлган беморларни жаррохлик даволаш натижалари келтирилган, шунингдек, хатолар ва асоратлар таҳлили олиб борилган. Оёқ панжаси брахиметатарзияси бўлган 71 нафар беморнинг 6 ойдан 9 ойгача бўлган узоқ ва яқин муддатлардаги хирургик даволаш натижалари ўрганилган.

Илизаров аппаратида даволаш муддати 54 кундан 193 кунгача, ўртача $116,0 \pm 33,4$ кунни ташкил этди. Суякнинг битиш индекси 38,2 дан 130,7 кун/см гача, ўртача $65,6 \pm 17,8$ кун/см диапазонида бўлди. Стерженли аппаратда

даволаниш муддати $90,4 \pm 17,4$ кун (70 дан 138 кунгача) ташкил этди ва бу сихли остеосинтезга нисбатан ишончли кам муддат. Суякнинг битиш индекси 39 дан $87,3$ кун/см гача, ўртача $52,1 \pm 13,7$ кун/см оралиғида бўлди ва бу сихли остеосинтезга нисбатан ишончли кам муддат (2-жадвал).

2-жадвал

Туғма брахиметатарзия бўлган беморларни сихли ва стерженли остеосинтез билан даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш

| Остеосинтез тури | Оёқ панжалари сони | Ёши | Калталиқ, мм | Калталиқ, % | Даволаш муддати, кун | Ярагинг битиш индекси, кун/см |
|-----------------------|--------------------|----------------|----------------|----------------|----------------------|-------------------------------|
| Сихли остеосинтез | 45 | $16,4 \pm 4,2$ | $17,7 \pm 2,7$ | $38,3 \pm 6,4$ | $116,0 \pm 33,4$ | $65,6 \pm 17,8$ |
| Стерженли остеосинтез | 28 | $16,4 \pm 4,1$ | $17,9 \pm 3,2$ | $37,7 \pm 6,4$ | $90,4 \pm 17,3$ | $52,1 \pm 13,7$ |
| Ишончилиги | | | | | $p < 0,001$ | $p < 0,001$ |

Оёқ кафт суяклари узайтирилганда нафақат тирноқлар ва оёқ кафти параболаси, балки оёқ панжаси олд қисмининг кўрсаткичлари (ангулометриқ ва чизиқли рентгенологик) меъёрлашуви ҳам рўй беради. Сихли остеосинтез билан жаррохлик амалиёти қилингандан кейин 2–4 чи бурчак узок даврда ўртача $56,3^\circ$ (50° дан 66° гача)ни ташкил этди, жаррохлик амалиётигача $36,5^\circ$ (28° дан 46° гача) бўлган. Жаррохлик йўли билан даволашга қадар М1–М2 оралиқ ўртача 24,2 мм га (20 дан 32 мм гача) тенг бўлган бўлса, даволашдан кейин 22,4 ммгача камайган. М2–М3 оралиқ эса ўртача 13,7мм бўлган бўлса, жаррохлик амалиётдан кейин 12,6 мм ни ташкил этди. Тадқиқот жараёнида биринчи бармоқ вальгус оғиш бурчаги М1–Р1 даволашгача ўртача $20,4^\circ$ (10° дан 42° гача)дан даволашдан кейин $18,3^\circ$ (10° дан 36°) гача камайган. М1–М2 бурчак (даволашгача $13,7^\circ$) даволангандан кейин $12,6^\circ$ га тенг бўлган. М4–М5 бурчаги жаррохлик амалиётига қадар ўртача $11,6^\circ$ ва жаррохлик амалиётдан кейин $7,1^\circ$ ни ташкил этди. Жаррохлик амалиётига қадар М5–Р1 бурчагининг ўртача $8,8^\circ$ ва жаррохлик амалиётдан кейин $3,2^\circ$ га тенг бўлган. Жаррохлик амалиётдан олдинги натижалар жаррохлик амалиётигача натижалар билан қиёсланганда бурчак кўрсаткичларининг (М1–Р1, М1–М2, М4–М5, М5–Р1 бурчаклар) аҳамиятли коррекцияси аниқланди ($p < 0,0001$).

Стерженли усулда даволанган оёқ панжаларида 2–4-бурчак жаррохлик амалиётига қадар ўртача $35,5 \pm 4,6^\circ$ (30° дан 47° гача) ташкил этди, жаррохлик амалиётдан сўнг 2–4- бурчак $56,3 \pm 5,0^\circ$ (52° дан 65° гача; $p = 0,0001$), ўртача $20,8 \pm 7,8^\circ$ (8° дан 35° гача) га кўтарилди. Даволашгача М1–М2 масофа $24,5 \pm 2,1$ мм ни ташкил этган булса, жаррохлик амалиётдан кейин $10,8\%$ га $21,8 \pm 1,9$ мм ($p = 0,0001$)гача ишончли камайган. М1–М2 оралиғидаги ≤ 20 мм масофа билан оёқ панжа суяги

ҳиссаси 5,9% дан 41,2% (имкониятлар нисбати (ИН) 11,2; 95% ишонч интервали (ИИ) 1,19–105,1; $p=0,04$) гача ўсди. Даволашгача М2–М3 оралиғидаги масофа $13,8 \pm 1,4$ мм ни ташкил этган, жаррохлик амалиётидан кейин 12,5% га $12,1 \pm 1,7$ мм ($p=0,0001$) гача камайди. М1–М2 оралиғидаги ≤ 12 мм масофа билан оёқ панжа суяги ҳиссаси 17,6% дан 58,8% гача (ИН 6,67; 95% ИИ 1,38–32,3; $p=0,03$) ўсди.

I бармоқнинг вальгусли оғиши 12° дан 45° (ўртача $25,1 \pm 8,6^\circ$) гача ўзгариб турган, жаррохлик амалиётидан кейин М1–Р1нинг оғиши 7° дан 30° гача ($17,4 \pm 5,1^\circ$; $P=0,0005$ гача), ўртача 27,1% камайди. М1–Р1 бурчаги билан оёқ панжалари сони 21° дан кўпроқ 70,6% дан 17,6% гача (ИН 0,09; 95% ИИ 0,02–0,45; $p=0,006$) ишончли камайди ва бурчак аҳамияти билан 16° гача 11,8% дан 23,5% гача (ИН 2,31; 95% ИИ 0,36–14,7; $p=0,65$) ишонч нисбатида. Даволангунга қадар М1–М2нинг оғиш бурчаги $13,4 \pm 3,5^\circ$ (7° дан 18° гача) ни ташкил этди, жаррохлик амалиётидан кейин биринчи ва иккинчи оёқ кафт суяги варус оғишининг катталиги $9,7 \pm 1,7^\circ$ (6° дан 12° гача; $p=0,0001$) гача ишончли камайди, ўртача 23,6%. Шуни қайд этиш лозимки, жаррохлик амалиётидан кейинги М1–М2 бурчакнинг 13° дан кўпроқ оғиши аниқланмади. М4–М5 бурчакнинг варусли оғиши 5° дан 15° гача (ўртача $11,5 \pm 3,3^\circ$) бўлган чегарада турди, жаррохлик амалиётидан кейин бешинчи оёқ кафт суяги бурчак оғиши $7,5 \pm 2,6^\circ$ гача (3° дан 13° гача; $p=0,0001$) камайди, ўртача 34,0%. Шунингдек, тадқиқотда оёқ панжа суяги узайиши ҳиссаси $< 6,5^\circ$ билан 11,8% дан 29,4% гача (ИН 3,13; 95% ИИ 0,51–19,0; $p=0,40$) ва оёқ панжа суяги миқдори камайиши $> 8^\circ$ билан 76,5% дан 23,5% гача (ИН 0,09; 95% ИИ 0,02–0,46; $P=0,006$) бўлиши аниқланди. Бешинчи бармоқнинг варус оғиши 0° дан 13° гача чегарада турди ва ўртача $6,9 \pm 3,7^\circ$ ни ташкил этди. Жаррохлик амалиётидан кейин М5Р5нинг оғиши 0° дан 7° гача диапазонда бўлди ва ўртача $3,5 \pm 2,2^\circ$ ($p=0,0006$) гача камайди. Жаррохлик амалиётига 2 нафар (11,8%) беморда М5Р5 бурчак $< 12^\circ$ бўлган, жаррохлик амалиётидан кейин барча беморларда меъёрий ҳолда бўлди.

Сихли остеосинтез бўлган беморларда AOFAS сўровномаси натижалари таҳлили жаррохлик амалиётига қадар ўртача балл $55,9 \pm 15,1$ (32 дан 84 баллгача), жаррохлик амалиётидан кейин – $98,2 \pm 2,9$ (92 дан 100 баллгача; $p=0,0000$) баллни ташкил этди. AOFAS сўровномаси бўйича беморларнинг жаррохлик амалиётидан кейинги ҳолати баҳоланганда прогрессив яхшиланиш аниқланди, даволашнинг ёмон натижаси бир беморда қайд этилди. AOFAS сўровномаси бўйича жаррохлик амалиётига беморларда оёқ панжаси функционал ҳолати баҳоланганда стерженли аппаратда даволанганлар ўртача $48,2 \pm 7,6$ балл (42 дан 75 баллгача) ни ташкил этди. Жаррохлик амалиётидан кейинги кўрсаткичлар ишонч нисбатида ва ўртача $97,5 \pm 5,7$ балл (82 дан 100 баллгача; $p=0,0001$) ни ташкил этди. Натижада стерженли остеосинтезда беморлар аҳоли аҳамиятли яхшиланиши кузатилди. Шунингдек, даволанишдан сўнг қониқарли ва ёмон кўрсаткичлар қайд этилмади.

Даволаш натижалари қуйидагича баҳоланди:

«аъло» – беморлар косметик натижалардан мамнун, оғриқдан шикоят қилишмайди, асоратлар ва оёқ кафт- фаланга бўғимида контрактуралар ривожланмаган, бутун кузатув даврида рецидивларсиз: 89 та оёқ панжаси- 88,1% ни ташкил этди;

«яхши» – беморлар косметик натижалардан мамнун, асоратлар йўқ, узоқ юрилганда оёқ кафт- фаланга бўғимида аҳамиятсиз, баъзан пайдо бўлувчи оғриқ ва шишдан шикоят бор, бир оз ҳаракат чекланиши мавжуд, бутун кузатув даврида рецидивларсиз: 8 та оёқ панжаси -7,92% ни ташкил этди;

«қониқарли» –беморлар узоқ юрилганда оёқ кафт-фаланга бўғимида аҳамиятсиз, баъзан пайдо бўлувчи оғриқ ва шишдан шикоят қилишади, бир оз ҳаракат чекланиши ҳамда тирноқ параболасининг бузилиши белгилари мавжуд: 3 та оёқ панжасида - 2,97% ни ташкил этди;

«қониқарсиз» – калталиқ рецидиви, метатарзал оғриқлар сақланган, косметик натижа олинмаган: 1та оёқ панжасида (0,99%) кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Туғма брахиметатарзия бўлган беморларни сихли ва стерженли остеосинтез даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш

| Остеосинтез тури | Аъло | Яхши | Қониқарли | Қониқарсиз |
|-----------------------|------------|----------|-----------|------------|
| Сихли остеосинтез | 60 (86,9%) | 6 (8,7%) | 2 (2,9%) | 1 (1,4%) |
| Стерженли остеосинтез | 25 (89,3%) | 2 (7,4%) | 1 (3,6%) | 0 (0%) |

Олинган натижаларга мувофиқ оёқ панжа суяги туғма брахиметатарзияси бўлган беморлар жаррохлик амалиётидан кейин кундалиқ фаолиятида ҳам жисмоний, ҳам ижтимоий жиҳатдан ҳаракатнинг чекланишини ҳис этишди. Бунда чекланганлик даражаси бажарилган оператив аралашувларга боғлиқ ва суяк фрагментлари маҳкамланганлигига кўра фарқланди. Шунда Илизаров аппарати бўлган беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичи стерженли аппарат бўлган беморлар аналогик кўрсаткичларига қиёсланганда ўртача 20 балл паст бўлди. Стерженли аппаратда даволанганда дистракцион босқичда оғриқнинг ҳис этилиши сихли аппаратда даволанганга нисбатан кучли бўлди. Бироқ стерженли аппарат бўлган беморларда оёқ панжа суягининг функционал кўрсаткичлари юқори бўлди. Қайд этиш керакки, стерженли аппарат бўлган барча беморлар жаррохлик амалиётидан кейин 4 ҳафта ўтгач, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва оддий кундалиқ жаррохлик амалиётларни бажаришда муаммога дуч келишмади.

Шундай қилиб, етарли клиник материал ёрдамида туғма брахиметатарзияларнинг турли кўринишларини даволашга йўналтирилган мақсадли ва самарали комплекс даволаш ва реабилитация чоратadbирлари ишлаб чиқилди ва асосланди. Туғма брахиметатарзияси бўлган беморларни даволашда ишлаб чиқилган остеосинтез усулларини қўллаш анатомик ва функционал натижаларни оширишга, асоратлар

ривожланишини бартараф этишга имкон берди. Жаррохлик аралашуви бўйича ишлаб чиқилган усуллар ва беморларни жаррохлик амалиётидан кейинги парвариши технологик жихатдан амалга ошириш осон ва уларни тиббиёт амалиётида кенг қўллашга имконият яратади.

ХУЛОСА

1. Туғма брахиметатарзия оёқ қафт суякларининг калталиги билан тавсифланувчи, кўп ҳолатларда оёқ ёндош қисмларининг мураккаблашган патологияси, шунингдек, бўғимлар ва юмшоқ тўқималардаги ўзгаришлар билан ифодаланган патологик белгилар мажмуасига эга. Бунда патологик бузилишларнинг намоён бўлиш даражалари турлича. Патологик белгилар мажмуасининг намоён бўлиш даражаси оёқ қафт суякларининг калталиги ҳажми ва миқдори ҳамда ёндош оёқ қафт суякларидаги асорати билан боғлиқ. Кўп сонли оёқ қафт суякларининг калталиги ҳамиша икки томонлама бўлади.

2. Брахиметатарзияси бўлган беморларда оёқ панжаси рентгенологик ўзгаришлари оёқ панжа суякларидаги ўзаро муносабатнинг бузилишини кўрсатади, бу эса кейинчалик ёндош оёқ қафти суякларининг деформациясига олиб келади. Оёқ қафт суякларининг калталиги I оёқ қафт суягининг варусли оғиши ва I бармоқнинг турли даражадаги вальгус оғишлари ҳамда проксимал фалангнинг калталашиши билан бирга кечади.

3. Рентгеноанатомик ўзгаришлар, беморнинг ёши, ёндош оёқ қафти суяклари деформацияси каби кўрсаткичлар, шу билан бирга ишлаб чиқилган туғма брахиметатарзиянинг ишчи таснифи беморларни даволашда жаррохлик амалиёти усулини танлашда аниқловчи мезон бўлиб ҳисобланади.

4. Сихли дистракцион остеосинтез усули 2 ва ундан ортиқ оёқ қафт суяклари калталигида қўлланилади, икки перпендикуляр (сагиттал ва горизонтал) сатхларда дистракцияни бошқариш имконини беради ва бу метатарзалгияни даволашда жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу усулни иккала оёқ панжасида ҳам навбати билан қўллаш мумкин.

5. Стерженли дистракцион остеосинтез асосан яқка брахиметатарзияларда қўлланилади. Стерженли остеосинтез беморларга жаррохлик амалиётидан кейин юриш имконини беради ва сихли остеосинтез усулига нисбатан қулай шароит яратади, тўқималарнинг репаратив регенерациясига ижобий таъсир этади. Ушбу усулни иккала оёқ панжасида ҳам бир вақтнинг ўзида қўллаш мумкин.

6. Рентгенологик ва подометрик текширувлар жаррохлик амалиётидан кейин узайтирилган суяк шаклининг меъёрга яқинлашганлигидан, шунингдек, оёқ панжасига тушадиган тана юкининг тўғри тақсимланишини меъёрлашувидан далолат беради.

7. Оёқ қафт суякларини сихли ва стерженли мосламалар билан узайтиришни узоқ натижаларини ўрганиш ушбу жаррохлик амалиётини бажаришнинг оддийлигини ва юқори клиник самарадорлигини кўрсатди. Жаррохлик амалиёти бажарилган 96,2% беморларда яхши косметик натижа ва оёқ панжаси таянчининг тикланиши қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТРАВМАТОЛОГИИ И
ОРТОПЕДИИ**

РАВШАНОВ ШАВКАТ НЕЪМАТИЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ ВРОЖДЕННЫХ БРАХИМЕТАТАРЗИЙ У ДЕТЕЙ И
ПОДРОСТКОВ**

14.00.22 - Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib95.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.niito.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

- Научный руководитель:** **Салиев Муратжан Мухаммадович**
кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник
- Официальные оппоненты:** **Ирисметов Мурод Эргашевич**
доктор медицинских наук
- Назарова Нигора Зикриллаевна**
кандидат медицинских наук, доцент
- Ведущая организация:** **Казахский научно-исследовательский институт травматологии и ортопедии (Республика Казахстан)**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent.@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за №1). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2018 года)

М.Ж. Азизов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, кандидат медицинских наук,
старший научный сотрудник

И.Ю. Ходжанов
Председатель Научного семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения врожденные деформации стоп встречаются у 12% ортопедических больных¹. Однако, несмотря на успехи ортопедии, лечение больных с патологией стопы, в том числе брахиметатарзии до настоящего времени является одной из наиболее сложных клинических задач, так как сопровождается большим количеством осложнений и неудовлетворительных исходов (от 41 до 70%), а в некоторых случаях признаётся невозможным². В мире прогресс в лечении врожденной брахиметатарзии отмечается с внедрением в практику дистракционных методов, в том числе проведены исследования по удлинению укороченных плюсневых костей. Наряду с этим недостаточно разработаны методики оперативного лечения в зависимости от варианта брахиметатарзии и сопутствующих деформаций стопы, отсутствует единая точка зрения в отношении возрастных показаний к оперативному вмешательству, уделено мало внимания послеоперационной реабилитации пациентов. Немногочисленные публикации об отдаленных результатах лечения указывают на значительное количество осложнений и рецидивов, возникающих после оперативного вмешательства. Такое обстоятельство свидетельствует об актуальности данной проблемы.

В нашей республике при лечении врожденной брахиметатарзии используются дистракционные аппараты Илизарова. На основании достигнутого опыта усовершенствованы методы остеосинтеза, разработаны миниаппараты для плюсневых костей, а также получены определенные результаты по лечению данного заболевания. Однако разработанные миниаппараты позволяют получить хорошие результаты лишь при единичных формах укорочения. В настоящее время проводятся определенные мероприятия для улучшения результатов лечения. Одной из основных задач современного здравоохранения является проведение комплексных мер по коренному улучшению качества и расширению спектра высокотехнологичной медицинской помощи населению. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы³ поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности. В соответствии с этим улучшение результатов хирургического лечения врожденных брахиметатарзий является одним из актуальных направлений для исследования.

¹ World health statistics 2013, 168 p. www.who.int

² Шевцов В.И., Исмаилов Г.Р. Чрескостный остеосинтез в хирургии стопы.- М.: «Медицина», 2008.-360с.

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017 года №УП-4947 “Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах”.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов здравоохранения» от 12 июня 2017 года за №ПП-3052 и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Анатомо-функциональные дефекты стопы отрицательно влияют на психику ребенка, приводят к необходимости ношения ортопедической обуви, ограничивают развитие, выбор профессии и трудовой деятельности, что в свою очередь обуславливает социальную значимость (Jimenez AL, 2006). Особенно тяжело наличие данного дефекта переживается в подростковом возрасте (Unal VS, 2005). Как отмечает Calis M. (2016) брахиметатарзия требует такого же внимания, как и деформации кисти или лица.

В настоящее время для оценки состояния стопы используются усовершенствованные компьютерные педобарометры, которые позволяют на новом уровне точности и объективности использовать эти методы в клинической практике ортопедии и травматологии. В доступной литературе имеются немногочисленные сообщения (Luger EJ, 1999; Мицкевич В.А., 2006; Лашковский В.В., 2011; Мандриков В.Б., 2012;), посвященные изучению нагрузок на различные поверхности стопы при патологических состояниях.

Основным методом лечения этой патологии является оперативный. Вопросы хирургической коррекции брахиметатарзий в настоящее время решаются ортопедами неоднозначно. С одной стороны, отдается предпочтение одномоментному удлинению (Alter S.A., 1995, 1996; Chung M.S., 2006; Blankenhorn B.D., 2010; Aski B, 2014;), с другой – методом выбора считаются дистракционные удлинения различными аппаратами (Шевцов В.И., 2008; Barbier D, 2015; Hosny GA, 2016).

Прогресс в лечении больных с врожденной брахиметатарзией появился после внедрения в практику метода чрескостного остеосинтеза, основанный на открытой Г.А. Илизаровым закономерности о влиянии напряжения на рост тканей. Для удлинения костей переднего отдела стопы используется мини-аппарат Илизарова; применяются также методики и компоновки аппарата, разработанные В.И. Шевцовым (2008), А. Kirienko (2004). В то же время, не были определены четкие показания к применению уже существующих методик удлинения плюсневых костей стопы, недостаточно отражены особенности монтажа аппарата и ведения пациентов

